

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Қишлоқ мулкдорлари

ҚАДАМИДАН ЎТ ЧАҚНАЙДИ

Янгийўллик Қимматхон тиниб-тинчимас аёл-да. Нима қилсам, бир сўлим икки сўм бўлади деб елиб-югуради. Фарзандларига ҳам она, ҳам оталик қилиш унинг нозик аёл бошига осон эмас.

“Чорвадор Муҳаммад Хилоласи” фермер хўжалиги раҳбари Қимматхон Маматкулова фаолиятини дастлаб ота касб бўлган новвойчиликдан бошлаган. Унинг тандирда ёлган нонларини емабсиз, бу дунёга келмабсиз. Гўё у нонларига кўшиб меҳрини ҳам ёлиб узатаётгандек.

Қимматхон бир кун ўйлаб қараса, фарзандлари биринкетин вояга етаяпти, уларга қўшилиб ташвишлари харажатлари ҳам кўпайяпти. Тандир билан иш битмайдиган кўринади. Анчадан бери уйда 3 бош сигир боқилаётганди. Уларнинг охурига ем ташлаётганида, узокқа боришга ҳожат йўқлигини англагандек бўлди. Ўйчи ўйлагунча, таваққалчи ишини битиради, дейишади. Тезда бизнес-режасини тайёрлади-да, “Миллий банк”нинг туман бўлимига йўл олди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: “Тандирдан янги узилган нонларнинг исидан хушбўйи йўқ”, дейди Қимматхон Маматкулова.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олiddан

ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам энг улуг, энг азиз айём – Мустақиллик байрамини юксак савияда ўтишини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма икки йиллик байрамга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётди. Туман ва шаҳарларда, қишлоқ ва маҳаллаларда хушёрлик ва оғоҳликка чорловчи тадбирлар ташкил этилмоқда. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни

тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мазсуларидоги учрашувлар шулар жумласидандир.

Вилоятда фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг маҳаллий бошқарув органлари, жамоатчилик билан алоқалари мустаҳкамлиги, жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида аксарият маҳаллаларда биророрта ҳам жиноят содир этилмади. Миллиция таянч пунктлари қoшида турли тўғараклар, спорт секциялари ташкил этилиб, кичик бизнес шoҳoбчaлари фаoлиятини йўлга қўйилгани ёшларнинг

бўш вақтини мазмунли ўтказишга, ишлар самарадорлиги ошишга ижобий таъсир кўрсатаётди.

Мустақиллик байрамини вилоятнинг шаҳар ва туман марказлари, қишлоқ ва маҳаллаларида юқори савияда ўтказиш учун барча чоралар кўрилкоқда. Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавуқлодада вазиyларнинг олдини олиш мақсадида доимий рейдлар уюштирилмоқда. Аҳоли пунктлари, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлиги қoидaларига риoя этиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бoриляoтир.

Байрам муносабати билан вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда чегара ҳудудларда тезкор-профилактика тадбирлари ўтказилмоқ-

да. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида ўтаётган ушбу тадбирлар давомида паспорт тизими қoидaлари, хорижа чиқиш-келиш бўйича қонун ва белгиланган тартиблар бузилган ҳoлатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилкоқда. Тадбирларда бундай ҳoлатларнинг олдини олиш, юрт тинчлиги ва ободлиги останада, оилалар, маҳалладан бошланиши, Ўзбекистонимизнинг оsoийшталлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўиши ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи экани алоҳида таъкидланмоқда. Байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш билан боғлиқ чоралар кўриш, оғoҳлик ва хушёрлик ҳаётимизнинг зарур шарти экани аҳолига, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтирилмоқда.

Ў.а.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши ташаббуси билан Зангиота туманининг “Гуломмахмуд-Барака” агрофирмасида Президентимизнинг “2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Қарорининг тарғиботи бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ДАСТУР – ВИЛОЯТ РИВОЖИ УЧУН

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда 2013-2015 йилларда туманда 49 миллион доллар инвестиция киритиш ҳисобига 17 та лойиҳа амалга оширилиши айтиб ўтилди. Натижада тикувчилик, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайиб, 637 та янги иш ўрни яратилди.

Шу кунга қадар лойиҳа

бўйича иккита корхона муддатидан илгари фаолият бошлади “Виа Текстиль Групп” ва “Телеком технология” корхоналарида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётди.

– Мазкур дастур жойларда янги саноат корхоналарини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўляпти, – деди ХДП вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Абъазов.

Феруза ТўРАЕВА.

Маънавият

ЯХШИ ХУЛҚДАН ЯХШИРОҚ НАРСА КЎРМАДИМ

Инсон умрининг энг олий мезони “яши инсон” мақомига эга бўлишидир. Ер юзиде инсонлар кўп, улар орасида яхши касб, яхши амал, катта савлат ва катта давлат эгалари бисёр, аммо яхши инсон мақомига эга бўлганлар у қадар кўп эмас.

Ҳўш, яхши инсон ким? Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида: “Инсонларнинг энг мўтабари – яхши хулқ эгаларидир” дейилган экан. Шарқнинг улў алломаларидан бири Абдулбарокат Қодирийда шундай шoқ байт бор:

Жаҳонда қидириб, кимдан сўрмадим, Яхши хулқдан яхши нарсa кўрмадим.

Яхши хулқли бўлиш – нoёб фазилат. Инсон ўзининг интилиши, Аллоҳ берган истеъдоди, олган билим ва тажрибалари билан олим бўлиб етишиши, касб-корию маҳорати билан машхурликка эришиши мумкин, аммо

яхши хулқ эгаси бўлиш ҳам-манинғ ҳам қўлидан келавермайдди. Шу сабабли бўлса керак, халқда: “Олим бўлмасанг ҳам одам бўл” деган нақл юради.

Яна дейдиларки, “Отанг боласи бўлмасанг ҳам, одам боласи бўл”. Чунки одамийлик инсон учун энг олий мақом. Унинг олдиде молу давлат ҳам, амалу савлат ҳам ҳеч нарса эмас.

Ҳаётнинг ўзи – катта мактаб. Зеҳн солиб қаралса, ҳаётда кўп нарсани кўриш, ундан ҳамма нарсани ўрганиш мумкин.

“Кимки ҳаётдан олмас экан таълим, Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим” дейдилар Саъдий ҳазратлари.

Саломлашиш – кишилар ўртасида меҳр-оқибатни зиёда этувчи эзгу инсоний фазилат. Айни пайтда у гўзал хулқнинг боши ҳамдир. Айтидилар-ку, “Сўз боши салом, иш боши интизом” деб.

Эътироф

«ДУНФАН ЦЗАОБАО» ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Яқинда Шанхайда нашр этиладиган “Дунфан Цзаобао” (“Шарқ тонги”) газетаси саҳифасида Фудань университети Иқтисодий мақтабнинг профессори Цзяо Бифаннинг Ўзбекистон мавзусига бағишланган мақоласи чоп этилди.

Унда муаллиф 2013 йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциядаги иштирокидан ортирган таассуротларини газетанинғ кўп сонли ўқувчилари билан ўртоқлашган.

тибининг муҳимлиги шунда бўлдики, – деб ёзади Цзяо Бифан, – унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади, шунингдек, экспертлар ўртасида сермахсул фикр алмашувлар бўлиб ўтгани баробарида анжуман доирасида бунёд этилган янги замонавий уй-жой мажмуаларига сафарлар ҳам уюштирилди.

(Давоми 2-бетда).

Қўшма йиғилиш

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ЎзЛиДеП вилоят кенгаши билан бирга кенгайтирилган қўшма йиғилиш ўтказди.

ЭРКИНЛИККА КАФОЛАТ БОР

Тегишли идора ходимлари, депутатлар, партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раҳбарлари, Қиёрай, Охангарон, Паркент, Пискент ва Оққўрғон туман ҳокимликлари молия, иқтисодий бўлимлари вакиллари қатнашган тадбирда вилоятда маҳаллий бюджет ижроси, бюджетдан ташқари фондлардан мақсадли фойдаланиш тартиби юзасидан соҳа доимий комиссияларининг фаолиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва фаолият эркинлигини таъминлаш ишлари таҳлил қилиниб, эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, мажлисда Паркент, Пискент ва Оққўрғон туманларида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари

тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қай даражада амал қилаётгани ҳам кўриб чиқилди. Бу туманларда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳага чет эл инвестициялари, замонавий технология ва ускуналарни киритиш учун қулай шароитлар яратилгани, лекин қонун лойиҳасини бузиш ҳолатлари ҳам учраётгани таъкидланди. Хусусан, Паркент туманида инвестициялардан яхши фойдаланилмади. Пискентда тадбиркорларга ҳужжатбозлик, бўйруқбозлик, сансалорлик қилиб, ҳалал беришди. Оққўрғонда эса саноатни ривожлантиришда сусткашликка йўл қўйилди.

Йиғилиш қатнашчилари шу ва бошқа жиҳатларни эътиборга олиб келгусида юқоридеги каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тегишли тўхтамага келишди.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.

“Тошкент ҳақиқати”га жавоб берадилар

«ШИРАКАЙФ КЕЛМАСИН»

Газетанинғ 2013 йил 17 июль сониде юқоридеги сарлавҳа остида бoсилган мақoлага Бекобод тумани прокуроридан жавоб хати келди.

Адлия катта маслаҳатчиси Е. Сафаров имзoси билан олинган ушбу жавоб мактубида куйидегилар маълум қилинган. Текширишда, Бекобод тумани почта алоқа тармоғи “Маданият” бўлими хизмат кўрсатган 267 пенсионернинг 254 нафарини билан суҳбат ўтказилди. “Маданият” почта алоқа бўлими бошлиғи К. Қолдибоев 70 пенсионерга 2 эки 3 тадан эски газетга кўшиб бергани ва бунинг учун уларнинг пенсия пулларидан 2 мингдан 4 минг сўмгача ушлаб қол-

гани, қолган 184 фуқаро эса янги газеталарни ўз хоҳишлари билан сотиб олганлари маълум бўлди. К. Қолдибоев фуқаро М. Турановнинг пенсия пулидан 2013 йил февраль ойида коммунал тўловлар учун 30 минг сўм қабул қилиб олиб, аммо ўз вақтида ўтказмай, май ойидагина чўзиб келгани маълум бўлди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳисобга олиниб, К. Қолдибоев билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, вазифасидан четлатилди.

ТРАНСФОРМАТОР АЛМАШТИРИЛАДИ

Газетанинғ шу йил 11 май сонидеги “Электр чирокми ёки шамчирок?” ҳамда 20 июлдаги “Эгасини топмаган гап” сарлавҳали танқидий мақoлалар юзасидан тахририят Бекобод тумани ҳoқими Ш. Ҳамраев имзoси билан жавоб хати олди.

Унда маълум қилинишича, туман ҳoқимлиғи ва Зафар электр тармоқлари корхонаси вакиллари танқидий хат муаллифлари Ҳасанбой Ҳайдаров ва Зулфигор Туборов иштирокида Маданият қишлоғи “Уювли” маҳалласига таширф буюришиб, аҳволни ўрганишди. Маҳалладаги аҳолига электр қуввати етказиб берувчи трансформатор 60 кВ қувватга эга бўлиб, 1967 йилда қурилган. Уш пайтда ушбу подстанция 50 хонадонга хизмат кўрсатган. Бугунги кунга келиб маҳалладаги хонадонлар 115 тага

етган. Худуддаги симёғоч ва симларнинг ҳoлати ҳамда электр энергияси кучланиши меъёер даражасида бўлгани билан трансформаторнинг қуввати 115 та хонадонни таъминлаш учун камлик қилади. Шу боис туман ҳoқимлиғи “Уювли” маҳалласидаги трансформаторни реконструкция қилиш учун “Тошкентэлектротармоқлари” ОАЖга тақдир билан муурожаат қилди. Агар ушбу жамият тақдирини инобатга олиб, дастурга киритса, 2014 йилда трансформатор етарли даражадаги қувватлигига алмаштириб берилади.

(Давоми 4-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари

ҚАДАМИДАН ЎТ ЧАҚНАЙДИ

Ишонасизми, ўшанда менга кредит бериш тугул, банк эшигидан ҳам киритишмаса керак, деб ўйлагандим...

хусусида танишлари билан гурунглашишга ҳам вақт топади. Ҳўжалигидаги ишларни эса, бежиримгина кўл телефони ёрдамида битириб кетаверади.

ҳаракатга яраша берилишини англаб етдим. Ниятни тўғри қилсангиз, ҳаммаси яхши бўлар экан...

Ер ҳақиқий деҳқон кўлига тушса, даромад манбаи эканлиги амалда ойдинлашади. Бу - ўзбек фермерлари исботлаётган ҳақиқат.



ИФТИХОР ҲИССИ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

ғалла хирмони кўтариб, давлатга 240 тонна дон топширди. Қолган бугўдйи хўжалигининг доимий 14 азосига тенг тақсимлаб берди.

ларига ташьяпти. Ерни рўзгорга ярайдиган кузги полиз экинларига тайёрлашяпти.

Чунки, ерга полиз экинлари экилишидан аввал бериладиган ишлов ва ундан кейинги экиш-тикиш жараёнларида майдонни турли табиий ва минерал ўғитлар билан тўйинтиради.

Бу бугўдй қалин тулпаб эрта етилиб, мўл ҳосил беришида кўл келади. Малик ота хўжалигининг қолган қисмида пахта етиштиряпти.

Ифтихор ҳисси ёш танламас экан, - дейди деҳқон. - Бизга ишониб кенг имкониятлар яратилаётган экан, буни оқлашимиз керак.

БекзоД ХИДОТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Еркебой БОТИРОВ оланг сураб.

ТАДБИРКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Чиноз туманидаги Абдуваҳоб Турдйбоев раҳбарлик қилаётган "Тўхтабой ота набиралари" фермер хўжалиги жорий йилда давлат қабул пунктига 472 тонна ғалла топшириб, шартнома мажбуриятини ортиги билан бажарди.

Абдуваҳоб акани шундай фермерлар сафига кўшиш мумкин. 2012 йили ўзи яшайдиган "Чиноз" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Йўлтушган қишлоғида озик-овқат дўкони, вулканизация ва автомобиль ювиш шохобчаларини очиб, олти кишини доимий иш билан танламлади.

Ҳўжаликда олинаётган даромаднинг бир қисми ишчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, ҳомийлик ёрдами кўрсатишга, яна бир қисми техника паркни янгилашга йўналтирилмоқда.

Биз деҳқончилик қилаётган ерларда илгари ғалладан 20-25, пахтадан 18-22 центнердан ошириб ҳосил олиб бўлмасди, - дейди А. Турдйбоев.

Фермер хўжалиги жамоаси фақат пахта ёки ғалла етиштириш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Картошка, пйёз, сабзи каби қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳам юқори ҳосил олмақда.

Республикаимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрамига атаб жойларда кўплаб янги ишлаб чиқариш объектлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари курилимоқда.

АКА-УКАНИНГ АЙЁМОЛДИ ТУҲФАСИ

Охангарон туманидаги "Навбахор" маҳалласида ака-ука тадбиркорлар - Жасур ва Дилмурод Алимовларнинг сай-ҳаракати билан янги хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

БАЙРАМГА ТАРАДДУД

Президентимизнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ жойларда учрашув ва суҳбатлар, турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ҳам энг улуг, энг азиз айём - Мустақиллик байрами арафасида ижодкорлар, санъаткорлар ва олимлар иборат тарғибот гуруҳлари аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Қйбрай туманидаги "Ўнқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда истиқлол берган имкониятлар, барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари инсон манфаатларини таъминлашга йўналтирилгани хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон халқ артисти Т. Мўминов, шоира Қ. Раҳимбоева ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самаралари аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалиб бораётгани, ҳаётимизда оз бераётган ўзгариш ва янгиланишларда ўзининг ёрқин ифодасини топаётганини алоҳида таъкидлади.

Банк раҳбари 2 йил муддатга 27 миллион сўм кредит бериш ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекади. Тагин йиллик 6 фоиз имтиёзли бўлгани унинг жонига оро кирди.

Яратган унга бир эмас, 4 ўғил фарзанд неъматини ҳады этди. Ҳозир улар улгайиб оналарининг ёнига киришган. Онаси уларни 4 устуним дейди.

Шунча иши камлик қилгандек, фермер туман "Адолат" партиясига ҳам раҳбар. Партияга янги ишга ўтганида биронта ҳам аззо йўқ эди.

Уста 2004 йили бу мақсадга эришди. 48 гектар ер олиб, "Имсиной опа" фермер хўжалигига асос солди.

Айни кунларда фермер яна бир эзгу мақсадда олиб-югурияпти. У яқинда 10 гектар ер сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилди.

Оилада киз бўлмаганидан кейин шу-да. Шунини биллиб фермер аёл яқинда катта ўғлини уйлamoқда. Булажақ келин бу хонадонга киз бўлиб келишига аминмиз.

У ўзи яшайдиган "Дўстлик" маҳалласидаги кам таъминланган оилаларнинг 3 нафар фарзандига ҳисоб рақами очиб берган. Кўлига ортиқча пул тушса, сандиққа босмайди, дарров банкка бориб, уларнинг ҳисоб рақамига тушириб келади.

Фермернинг соҳада ортирган узок йиллик тажрибаси бу йил ҳам панд бермади. 60 гектардан улкан

Ҳўжалик раҳбари бир жойида узок ушланиб қолганини кўрмайсиз. Тонгда банкка кредит фоизини тўлашга кетган бўлса, тушликка яқин ҳокимнинг қабулида ўтиради.

Оиласи нотинч ва турмуши бўлмаган аёлларни кўрсам, кўнглим бузилиб кетади, - дейди у. - Лекин Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, мен фарзандларимни оқ ювиб, оқ тарамдим.

214 гектар ерда деҳқончилик қилаётган хўжалик ахли ғалладан бўшадан 90 гектар майдонни шудгордан чиқарди. Янгийўл ёғ-мой корхонаси билан тузилган шартномага бйноан ун гектар ерга кунгабоқар экилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СЕРВИС ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар самарасида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, соҳанинг иқтисодий имтиёзларидаги улushi сезиларли равишда ошмоқда.

Натижада бир юз элликдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Тумандаги "Ниёзбош" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидидаги энгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуасида сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, эҳтиёт қисмлар сотиладиган дўкон ишлаб турирди.

Ушбу корхона ишчиларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Азимжон Рискитиллаев - улардан бири. - Гулбахор саноат касб-хунар коллежини тамомлаб, шу ерга ишга кирдим, - дейди Азимжон.

Ҳар жихатдан ўзимга маъқул иш топганимдан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган машиналарни таъмирлашни ўрганайотганимдан хурсандман. Соҳага кизиқишим тобора ошмоқда. ЎЗА.

Пискент туман Ногиронлар жамяти, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда "JICA" Ўзбекистон-Япония халқаро агентлиги 5 нафар ногиронга замонавий русумдаги ногиронлиқ аравачаси совға қилди.

ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Юртимизда биз каби ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатаётган ҳукуматимизга, мустақил ва ҳомий ташкилот вакилларига миннатдорчилик билдираман, - деди Янгиобод кўчасида яшовчи ногирон Карима Турсунова.

Юқоридида сингари акциялар вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Умида ИСАЕВА.

Эътироф

2009 йилга қадар қишлоқ жойларидидаги уй-жойлар масалаларида биноларни куришига нисбатан индивидудал ёндошиш ҳолда умумий режалаштириш мавжуд бўлмаган, янги уй-жой курилиши мавжуд эски уйлар билан қўшилиб кетган ҳамда бунинг натижасида ижтимоий инфратузилмани, электр узатиш, сув, ҳаво алмаштириш ва бошқа коммунал хизматларни ривожлантириш вази фарси доллар бoҳамияга эга бўлиб келган.

жойларни куриш кўзда тутилгани, 353 та қишлоқ худудидида курилиш ишлари жадал равишда олиб боришмоқда. Иккинчидан, давлат ёрдам

қилишга рағбатлантириш учун имтиёзли ипотека кредити тизими ишлаб чиқилди, унга кўра 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича - бирин

белгиланган қайта молиялаш ставкасидан анча паст кўрсаткичдир. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакат раҳбарияти ипотека кредити тўлиқ

ассаларни томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2011 йили Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан 500 миллион АҚШ дол

банки ва Хитой давлат ривожланиш банки ҳам шундай ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирдилар. Уй-жой курилишида Ўзбе

ётган ижобий таъсири хусусида тўхталар экан, қуйидаги фикрларни билдиради. "Биринчидан, Ўзбекистон қишлоқларидаги маъзур жараёни курилиш материаллари индустрияси ривожланишини бевосита рағбатлантириб, кури

«ДУНФАН ЦЗАОБАО» ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА



Вазиятни тубдан ўзгартариш мақсадида 2009 йили Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой куриш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, унга кўра қишлоқларда янги уй-жойлар курилишини режалаштиришда қуйидаги талаблардан келиб чиқиш жоиз топилди.

ми ва имтиёзли кредитлар қишлоқ аҳолиси ҳаётини тобора фаровонлаштирмоқда. Яқка тартибдаги уй-жойлар режасини устувор масала сифатида танлаб олган ҳолда, давлат тоза ичимлик суви, электр энергияси ва газ билан таъминлаш сингари ижтимоий инфратузилмани таъминлаштириш бўйича молиявий мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Банклар ва компанияларга маълум муддатга даромад ва мулк солиғидан озод қилиш каби имтиёзлар бериш орқали қишлоқ жойларда уй-жойлар курилишига фаол жалб қилинмоқда.

чи йил белгиланган фоизни тўламаслик шарт билан - 7 фоиз микдоридида ипотека кредити берилади, деб ёзади нашр. Бу Марказий банкнинг йиллик 12 фоиз микдориди

тўлангунга қадар мулк учун солиқ тўлашдан озод этилишини тасдиқлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бу чора-тадбирлар дунёнинг етакчи молиявий му

лари микдоридидаги "Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар куришини ривожлантириш" лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди. Ислom тараққиёт

кистон раҳбарияти узок туманларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга, ёшлар, қишлоқ ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари ва ишбилармон доиралар вакилларига имтиёзли кредитлар тақдим этмоқда.

"Қишлоқ аҳоли пунктларидаги илҳам уй-жой мажмуалари барча зарур инфратузилмага (йўллар, кундалик эҳтиёж моллари дўконлари, сартарошхоналар, тикув цехлари билан бирга клиника, болалар боғчалари) ва бошқа зарур муассасаларга ҳам эгадир", деб ёзади хитойлик олим.

Муаллиф ўз мақоласида алоҳида таъкидлаганидек, қишлоқ жойларидаги янги уй-жой курилиши нафақат маъзур худудлар учун, балки бутун мамлакат учун ҳам долзарб ва устувор аҳамиятга эгадир.

Учинчидан, иқтисодий диверсификация муносабати билан вазият ўзгариб, илгари фақат қишлоқ хўжалиги фаолиятига жалб қилинган қишлоқ аҳолиси вакиллари бугунги кунда тадбиркор, ўқитувчи ёки давлат хизматчиси бўлишлари имконияти мавжуддир. Улар мамлакатнинг кўп қиррали иқтисодий тараққиётига ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар". "Жаҳон" АА, Шанхай.

Жорий йили жами 10 минга яқин намунавий лойиҳалар асосида шинам ва қулай уй-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий позициялар, маънавият, ижтимоий мақсадлар" мавзусида ижтимоий тадқиқот ўтказди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли илоҳотлар жараёнида ёшларни юксак фуқаролик ҳамда ватанпарварлик руҳида, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида тарбиялаш, улар учун замонвий билим олиш ва муносиб касб эгаллаш борасида барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришга эътибор қаратишмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, аввалбор, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаришга, она юртимиз келажакнинг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизга боғлиқдир.

Ўзбекистон ёшлари онгу тафаккурининг ошаётгани уларнинг дунёқараши кенгайиб, ватанпарварлик ва эл-юртга содиқлик туйғуси юксалиб бораётганига эътибор қаратиш зарур. 2011 йилда ушбу мавзу бўйича ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, ёшларимиз "Ўз халқининг тарихини яхши билиш", "миллий ифтихор туйғусининг ривожлангани", "миллий анъаналарни эъзозлаш", "ҳалоллик", "миллатлараро бағрикенглик", "камтаринлик" каби асосий қадриятларни маънавий билан боғлиқ ҳолда тасаввур этади.

Ёшларнинг ақсариёти (98,8 фоизи) "дунёда давлатлар кўп, аммо Ватанимиз – Ўзбекистон ягона ва бетакордир" деб билади, 97,6 фоизи эса Ўзбекистон келажиги буюк давлат эканига ишонди. Улар ватанпарварлик туйғусини "Ватанга муҳаббат", "Ватанга фидокорона хизмат қилиш", "уни ҳимоя қилишга тайёрлик" деб тушунади. Миллий ўзлиқни англашнинг ёшлар миллиятнинг маънавий ўзига хослиги, миллий истиқлол, аждодларимизнинг буюк мероси, она тилимиз билан боғлиқдир. Уларда мамлакатимиз ва халқимиз тарихига қизиқиш кучайиб бормоқда. Тарихни сўрдада қатнашганларнинг 72,4 фоизи яхши билади.

Ёшларнинг кўпчилиги (95,2 фоизи) халқимиз менталитетига ёт турли зарарли гоғлар ва уларни тарқатувчиларга салбий муносабат билдиришмоқда, уларнинг ёшлар маънавиятига ёмон таъсир кўрсатишини англамоқда. Ёшларнинг фикрича, бундай шахслар "ёшларнинг ёвуз мақсадларини кўзлаб, ёшларни ноўғри йўлга бошлашга уринмоқда". Ёшларимиз қадриятлари тизимида таълим муҳим ўрин тутади. 2011 йилда ушбу мавзу бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларнинг учдан бири қисми олий маълумотга эга бўлишни истаган бўлса, 2013 йилда ҳар икки йигит-қиздан бири шундай фикрни билдиришмоқда. Сўров қатнашчиларининг 61,5 фоизи ўз билим даражасини оширишни хоҳлайди. Шуниси эътиборлики, ўқиниш давом эттиришни истаётганларнинг ақсариёти қишлоқ йигит-қизларидир. Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам ортомқда. Жорий йилда бу кўрсаткич 2004 йилги сўровга нисбатан икки баробар юқоридир. Шунингдек, ёшлар ўзининг ҳуқуқий билимини янада оширишни

истайди. (72,5 фоиз).

Ақсариёти йигит-қизлар танлаган касби, иш ҳақи миқдори ва меҳнат шарт-шароитларидан мамнун. Уларнинг 62,4 фоизи хизмат погоналаридан кўтарилишга ҳаракат қилмоқда. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш даражаси ошмоқда, ҳар уч йигит-қиздан бири бу йил ўз бизнесини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий туб ўзгаришлар ёшларимизнинг ижтимоий қайфиятига таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳаётидан мамнун (78,3 фоизи). Улар ўз келажagini, аввалбор, жамиятга фойда келтириш учун билим олиш, яхши мутахассис бўлиш, мустақам оила қуриш билан боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, истиқлол йилларида Ўзбекистон ёшларида янги қадриятлар ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини тизими шаклланди. Ватанпарварлик, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиш, мустақил фикрлаш, мақсадга интилувчанлик, ижтимоий сафарбарлик бу тизимга хос хусусиятлардир. Мамлакатимизнинг ёш фуқаролари Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида навқирон авлодга ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган сиёсат уларнинг порлоқ келажакнинг қафолати эканига ишонди. Ёшлар давлатимиз томонидан яратилаётган улкан имкониятларни юқори баҳолайди ва бунинг натижасида ҳаётда ўз режаларини рўёбга чиқаришга қатъий ишонди.

"Ижтимоий фикр" маркази материалини асосида ЎЗА МУХБИРИ А. ИВАНОВА тайёрлади.



Савол беринг, жавоб оласиз

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛИШИ ШАРТ

Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш шартномаси шартлари бузилганда истеъмолчи қандай ҳуқуққа эга?
Нозима МУРОДОВА, Қибрай тумани.

Фуқароларимиз истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини билиб, уларни ўз ўрнида талаб қилаётганликлари қувонарли. Ташкилотимизнинг мақсади ҳам уларни бу борада қўллаб-қувватлаш. "Истеъмолчилар ҳуқуқлари"ни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қондиларига амал қилиши, шартномада белгиланган муддат, ҳажми ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт. Агар ижрочи шартнома шартларини ўз вақтида бажармаса, истеъмолчи шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарининг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, ижрочи шартнома шартларини жиддий равишда бузиб, иш (хизмат)ни қониксиз бажарган ҳудуд иш (хизмат)да бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (хизмат)нинг хизматининг баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда қамайтирилиши, шу ҳилдаги материалдан сифати айнан шундай бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини талаб қилишга ҳақли.

Гаҳар СОАТОВА, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ҳудудий бирлашмаси мутахассиси.

Тахририятга хат

ЯХШИЯМ ШИФОКОРЛАР БОР ЭКАН...

Одам бетобланиб қолса, кўзига ҳеч нарса кўринмас экан. На еб-ичишингда, на юрши-туришингда ҳаловат бўлади.

Яқинда Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанишга йўл очилди. Шифо маскани замоний тиббий асбоб-ускуналар билан етарли жиҳозланган, озодлигига ҳавасингиз келди.

Бу ерда ҳар кун эрталаб эшик очилиб, оқ халатли фаришталар кириб келишади-ю, биз каби беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзлар, эътиборлар билан ҳам даволашади экан. Айниқса, Элдор Яхшибоев, Бахтиёр Давлатов, Азимжон Икромов, Жўраҳон Азизов каби кўли енгил шифокорларнинг таърифи ширинсуханлигига бердим. Ҳамшира ва фельдшер Дилдора, Навбахор, Мардона, Азамат, Ҳамдамжонлар вақтида муолажаларимни қилиб, соғайиб, оёққа туриб кетишимга кўмак берди.

Олий тоифали шифокор, жарроҳлик бўлими мудири Низоом Абдуллаев раҳбарлигидаги шифокорлар беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзлар, эътиборлар билан ҳам даволашади экан. Айниқса, Элдор Яхшибоев, Бахтиёр Давлатов, Азимжон Икромов, Жўраҳон Азизов каби кўли енгил шифокорларнинг таърифи ширинсуханлигига бердим. Ҳамшира ва фельдшер Дилдора, Навбахор, Мардона, Азамат, Ҳамдамжонлар вақтида муолажаларимни қилиб, соғайиб, оёққа туриб кетишимга кўмак берди.

Ш. ОЧИЛОВА, Пискент тумани, ўқитувчи.

ВАТАН ЮЗИДАГИ НУР

Темурийлар тарихи давлат музейида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Халқаро Амир Темур хайрия фонди вилоят бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Қадр-қимматин, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Буюк саркарда Амир Темур мустақил Ўзбекистоннинг нафақат ўтмиши, балки, бугунги, эртасида ҳам муҳим ўрин тутуши, соҳибқироннинг ўткир салоҳияти, бой ва чуқур тафаккури, халқпарварлик, доврақлик, ўз элига меҳр-муҳаббат, аёлларга эҳтиром, бошқа давлатлар билан муносабатда тенглик, динлараро бағрикенглик каби олижаноб хислатлари эътироф этилиб, бугунги кун миллий

давлатчилигимиз мақсадмуддоси билан ҳамоҳанг, уйғун экани таъкидланди. Шунингдек, тадбирда Юртбошимиз Фармонига кўра мукофотланган бир гуруҳ маҳалла фаоллари тақдирланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

"Саломатлик-3"

ЭНГ УСТУВОР ОМИЛ

Юртбошимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида "Саломатлик-3" лойиҳаси қабул қилинган эди. Лойиҳанинг дастлабки молиявий қиймати 93 миллион доллар бўлса, Жаҳон банки президенти

нинг мамлакатимизга ташрифи давомида юртимизда олиб бориладиган ислохотлар, эришилган ютуқлар тўғрисида лойиҳага яна қўшимча 93 миллион доллар киритиш ва жами – 186 миллион доллар ажратиб режалаштирилди.

Ушбу лойиҳага дастлаб, Юқори Чирчиқ, Паркент, Пискент тумани тиббиёт бирлашмалари киритилган бўлса, энди вилоятнинг барча 18 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, 10 та оилавий поликлиника замоний тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Лойиҳага киритилган ҳудудий тиббиёт бирлашмаларида мукамил реконструкция ва қурилиш ишлари олиб бориш лозим. Ҳозирги кунда Зангиота, Паркент, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Пискент тумани тиббиёт бирлашмаларида Инвестиция дастури асосида қурилиш, реконструкция ишлари бормоқда.

Юқори Чирчиқ, Паркент, Зангиота тумани тиббиёт бирлашмалари марказий шифохона ва марказий кўп тармоқли поликлиникалари янги, замонавий, рақамли рентген аппаратлари билан жиҳозланади. Shimagu Corporation (Япония) фирмаси вақили вилоятимизга ташрифи доирасида Юқори Чирчиқ, Паркент, Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаларида реконструкция ишлари бормоқда.

Жаҳон банкининг бир гуруҳ вақили вилоятимизнинг Зангиота туманига ташриф буюриб, Инвестиция дастурига киритилган соғлиқни сақлаш

объектларида олиб бориладиган мукамил реконструкция ишларини қўриши. Мақсад – туман тиббиёт бирлашмасини "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида жиҳозлашга тайёрлаш ҳолатини кўриб, камчиликларни бартараф этишга доир мулоҳазалар билан танишишдан иборат. Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси қурилиш объектда шу мавзуга бағишлаб ўтказилган учрашув баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Гулнора ТЎХТАНАЗАРОВА, "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш ҳудудий бюроси директори.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этилди!

Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент вилоят Зангиота туманларо сундининг 2012 йил 5 июлдаги 1-4090/12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, У. Юсуфов кўчаси, 78-уй манзилига жойланган, 2006 йилда қурилган уй такоран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 65 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 26 август кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишин мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2013 йил 23 август кунин соат 18:00. Аукцион савдоларида қатнашин учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМХС" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИИН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақасий кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди!

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан, 2011 йил 18 июлдаги № 11-1131/10248-сонли ижро варақасига асосан, Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, Яралықўжаев кўчаси манзилига жойланган: умумий фойдала майдони 376,77 кв.м. бўлган, 3 хонали пех бинолардан иборат "Нон ишлаб чиқариш пехи" бино ва иншоотлари савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 107 551 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 9 сентябрь кунин соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошлангичдан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашин учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ХЕАТБ "HI-TECH BANK"даги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904995394001, МФО 01066, ИИН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди!

Савдога қўйилган кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 21.01.2013 й. № 425-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкўл кўчаси, 84-уйда жойланган тузаржой. Бошлангич баҳоси – 357 973 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 22 август кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2. Бектемир тумани СИБ томонидан 17.01.2013 й. № 1-383-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, М. Ауэзов 3-берк кўчаси, 1-уй. Бошлангич баҳоси – 152 000 000 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 17.01.2013 й. № 1-383-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чилон ота кўчаси, 5-уй. Бошлангич баҳоси – 711 000 000 сўм. 4. Учтепа тумани СИБ томонидан 06.06.2013 й. ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон массиви, 48-уй, 87-хонадон. Бошлангич баҳоси – 30 652 000 сўм. 5. Яқкасарой тумани СИБ томонидан 21.06.2013 й. № 10-1303/4483-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, У. Носир кўчаси, 158-А уйда жойланган бинолар. Бошлангич баҳоси – 852 698 120 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 6 сентябрь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишин мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунин (дам олдин ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичдан бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашин истаган бўлган талабгорлар мулкнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипак йўли банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунин мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАНТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди!

Савдога "G'azalkent Stone" МЧЖ томонидан "Қанатная установка для резки мраморных блоков (Telstar 2002 G) русумли ускуна 2 донна". Бошлангич баҳоси – 133 400 000 сўм бўлган мулк қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 6 сентябрь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишин мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунин (дам олдин ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичдан бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашин истаган бўлган талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипак йўли банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800000487305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунин мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004933.

ЧП ООО "MERLONY technology" приобретает переработанные отходы из ПВХ. Претензии принимаются по тел.: (+99871) 221-41-26.

Учтепа тумани ТСРҮИ томонидан 15.08.2008 йилда № 002377 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "RUSTAM-DOSTON" МЧЖ хусусий корхонаси "RUSTAM-DOSTON FAYZ" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ТСРҮИ томонидан № 003069-07 сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "SHOXRUX-MUXAMMAD" (ИИН 203530060) МЧЖга тўғатилди. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+998994) 660-11-71 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"MUBIN FOOD" МЧЖнинг таркибидан "JAWAB BIZNES SERVICES" МЧЖ ажратиб қилишнинг ҳамда "MUBIN FOOD" МЧЖнинг устав жамғармаси 108 900 000 сўмдан 98 356 200 сўмга қамайишини маълум қилади.

ООО "RENAISSANCE AGRO" (ИИН 302148106), зарегистрированное ИПСЛ при хокимияте Яқкасаройского райоини г. Ташкентта № 006358-11 от 20.09.2012г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Ю. Рахмий, 66/4, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (на основании протокола общего собрания участников № 11 от 5 августа 2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Юнусобод тумани ТСРҮИ томонидан 2011 йил 27 майда № 006714-10 сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "GENESIS GROUP" (ИИН 302005473) МЧЖ ТҶГАТИЛАДИ (2013 йил 1 августдаги 1-сонли мажлис баённомаси). Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қиёт мавзеси, 154-коттежда қабул қилинади.

Хамза тумани ТСРҮИ томонидан 21.01.2013 йилда № 003094 сонли гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган "BIZNES-RAZVEDKA" МЧЖга тегишли мулк бир донна думалоқ муҳр, бир донна бурчак тамғаси йўқланганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Утеярные документы: рекевизиты, чековая книжка, устав и гувоҳнома выданный на ООО "BIZNES-RAZVEDKA", СЧИТАЕТ НЕДЕСТВИТЕЛЬНЫМИ.

2013 йилда КИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўхон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндои уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳада текис ва равои йўлларга эга;



Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолган маблағингиз оилавий режаслар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади.

Янги уйлар Сиз учун узок мuddатли сарма ва фарзандлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни қўлайтириш имконияти;
- Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида қўлайсиз ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нарслар сароми.



Замонавий қурилиш модалари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган тудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиши;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узгурсиз нарсларда юқори сифатли замонавий қурилиш модалари.



Марҳамат, муросасат қилинг!

- Туман ёки вилоят хок

"Пахтакор – 79"

САМОГА СОЧИЛГАН ЮЛДУЗЛАР

1979 йилнинг 11 августи... Бу кунни ҳеч қачон унутмасам керак. Ушанда Тошкентдаги спорт-интернатда ўқирдим. Ёзги таътил бўлгани сабабли интернат қошидаги лагерда дам олишда эдим. Тонгда мураббийимиз қўлида газета кўтариб кириб келди. Унинг кўзларида ёш, тушкун кайфиятда эди.

Болалар, дахшатли фожия рўй берди. Днепротурбинск осмонда юз берган авиаҳалокат натижасида 17 нафар пахтакорчилар ҳалок бўлишди. Мураббийимиз қўлидаги газетани олиб, ҳалок бўлган футболчиларнинг исм-фамилиясини лабра-римиш титраб, ўқий бошладик. Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Олим Аширов, Шухрат Эшбўтаев...

Қолганини ўқий олмадим. Қўлларим қалтираб, ўзимни бошқаролмай қолдим. Қани, болалар, тайёрланганлар. Марҳум футболчиларнинг мотам маросимига борамиз, – мураббийимизнинг шу гапидан хушимга келдим. Шу воқеага ҳам ўттиз тўрт йил бўлибди. Ўттиз тўрт йилдирки, самога сочилган ўн етти юлдуз кўз олдимида жонланаверади... Чунки, ўша марҳум пахтакорчиларнинг аксариятини кўрганман, учрашганман, суҳбатлашганман. Биз интернет ўқувчиларини Тошкентда бўладиган деярли ҳамма ўйинларга олиб боришарди. Ўйиндан кейин "Пахтакор" билан учрашувлар ташкил этишарди. Ҳа

марҳум футболчиларнинг кўпчилиги биз ўқийётган интернат битирувчилари эди. Шунданми, биз улар билан фахрланардик. Ушалар сингари машҳур футболчи бўлишни оразу қилардик. Афсус, хаста бўлиб қолганим сабабли бу оразуим армонга айланди...

Янгибозор марказий ўйингоҳида ташкил этилган "Пахтакор – 79" хотира турнирида ташкилотчи сифатида иштирок этарканман, болалик хотираларим кўз олдимида қайта жонланди. Бу хотира турнири ҳар йилгида юксак савияда уюштирилган жамоаларнинг яшил майдонда астойдил баҳс олиб боришларидан сезилди.

Турнирда ҳудудий босқичлар қолиб бўлган кучли олти жамоа голиблик учун майдонга чиқди. Голиб жамоаларга таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касоба уюшмаси туман вакилликнинг эсдалик совгалари топширилди. Латифжон МАНСУРОВ.



СУРАТДА: хотирада қолган футбол юлдузлари.

Маънавият

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил: буниси мартабага эришибди-ку, одоб-ахлоқдан беҳабар қолибди.

Усмонали Хамидов деган аълоий ҳамкасбимиз бўларди. Ижодда ҳам, одамийликда ҳам барчамизга ўрнак эди. Бир бор у билан ҳамсуҳбат бўлган одам, минг йиллик танишдай қадрдон бўлиб кетарди. У ким билан суҳбатлашса ҳам, кўришиб қолса ҳам, ҳаммиса "Ассалому алайкум"ни биринчи бўлиб айтишга улгурарди. Мен унинг: "Газетага келиб, эришган энг катта ютуғим, бу – муомала маданиятини ўрганганим" деган гапини кўп эшитганман.

Инсоннинг кўкси тоза бўлиши керак, – дер эдилар туманимиз меҳнат фаришталаридан бири Ашир ота Кўсаев. – Кўкси тоза инсон узок ўшайди.

95 ёшни яшаб ўтган хурматли отахоннинг ҳаёт ҳақиқати бу гаплар. Кўкси тоза инсонлар, энг аввало, ҳалол бўладилар. Ҳалол инсон эса ҳадиқ, гумон, ҳасад, газаб, манманлик каби иллатлардан ҳоли, бинобарин, унинг қалбиде умрининг эгови бўлган душманлари ҳам йўқ. Зеро, Шарқ донишмандлигида: "Инсоннинг ўз иллатлари, улар оқибати бўлган нохуш ўй-фикрлари унинг энг ёвуз душманларидан ҳам хатарлироқ" дейилади.

Қадимда бир киши умри бўйи ўғрилиқ қилиб яшаган экан. Алҳисса унинг фарзанди эс-хушга, ҳалол бўлиб воёга етибди.

Қуллардан бир кун у отасига: "Отасон, шу ишингизни қўйинг. Ўғрилиқ қилмай, ҳалол яшасангиз ҳам кунингиз ўтади. Ушанда "ўғри" деган тақви лангадан ҳам, ўзгалар молини ўзлаштиришдек гуноҳи азимдан ҳам қутуласиз" дея ёлворибди. Аммо жоҳил ота: "Сен тирракча нимани ҳам билар эдинг, ҳаётинг шафқатсиз қонунлари бор. Мен ўғрилигим билан қулайман, шу орқали яхши яшайман" дея ўз билганидан қолмабди.

Шунда ўғил: "Ота, келинг, ким яхши яшайди бора-сида баҳс боғлайлик.

(Давоми. Бош 1-бетда).



ЯХШИ ХУЛҚДАН ЯХШИРОҚ НАРСА КЎРМАДИМ

Бир ой давомида бир-биримизни кузатилайлик. Кимнинг турмуши яхши бўлса, ўшани танлайлик", дея шарт қўйибди. Ота бунга рози бўлибди.

Ота кўп ўтмай, қаердан-дир бир семиз кўчқорни ўғирлаб келибди. Ўғил ҳам астойдил тер тўкиб, яхши бир кўчқор сотиб олибди. Ота қузатса, ўғил аёли, фарзандлари билан кўчқор гўштидан турли лаззатли таомлар тайёрлаб, шоду хуррамликда, худди байрамдек куч кечирар, ўзи бўлса, биров олиб қолмадимикан, деган ҳадиқ билан нима еб, нима ичганини ҳам сезмай яшар экан.

Шу тариқа ўғил кундан-кунга тўлишиб, ўқираб, эл орасида эътибори орта борар, ўри ота эса, аксинча кундан-кунга озиб-тўзар, уни ҳеч ким ҳурмат-иззат қилмасди.

Охири ота ўғлининг ақл-заковатига тан бериб, ўғрилигини ташлабди. Ҳалол меҳнат билан топан бир бурда нону ёвғонига минг бора рози бўлиб, роҳат-фарағатда яшаб ўтибди. Шу ўринда "фалоллик" деб аталган фазилатни улуглаб, юксакларга кўтарган алломаи замонлар, улуглар ёдга тушади. Айниқса, Боғдоғра илм истаб кетаётиб, қароқчилар қўлга тушган ва онаси чо-

– Майли, болам, – деб кўярдилар хоксоғина. Аммо тарки одат деганларидек, яна ўша ҳолат такрорланаверар, онам ёшларни айланб-ўргилиб, алқайверардилар. Бор-йўғини дастурхонга тўкиб солар, кўни-кўшиларни-кига чикса ҳам, чўнтағига ширинликлар солиб, болаларга улашарди.

Кимдир дардга чалинса ёки бошига мусибат тушса, онам биринчи бўлиб хол сўрар, тасалли берарди. Чақалоқ туғилган ёки янги келин тушган хондонга ҳам суюнчисини олиб етиб борар эди онамизорим. Шу сабаб бўлса керак, онамизоримни билганлар ҳали-ҳануз: "Энамиз раҳматлик жуда яхши эдилар", деб кўядилар.

Қалб – мисоли бир қалъадир метин, Қурол тутган унга киролмас лекин. Олижаноблик ва меҳр-муҳаббат, Қалб қалъасини забт этиши мумкин.

Меҳр ана шундай қудратга эга. Меҳридон инсонлар эса ҳаммиса суюкли ва азиз. Ҳамма замонларда ҳам ёмон одамлар, аниқроғи ёмон хулқилар бўлган, аммо яхши инсонлар ҳам кўп. Деярлик, олам яхшилар ҳисобига муқаррардир. Фикримизни яна Саъдий ҳазратларининг ушбу пурҳикмат мисралари билан мустаҳкамлаймиз: Бўлаб яхши ном истама, шул етар, Сени яхши одам деса, эл агар.

Қололмас жаҳон ичра мангу киши, Фақат қолгуси яхши ному иши.

Халқимизда бир удум бор: инсон сўнги манзилга кузатилиб, қабрига туپроқ тортилгач, ногаҳон бир нидо янграйди.

– Халойиқ, марҳум қандай инсон эди?! – Аллоҳ раҳмат қилсин, яхши инсон эди, – дейдилар унга жавобан.

Яхши инсон! Дунёда яхши хулқ эгаси бўлган яхши инсондан улугроқ эди, "яхши инсон" деган номдан олийроқ мақом йўқ. Яхши инсон истаги қалбларимизни нурдек ёрипти турсин.

Онам бечора худди айбдордек:

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.



ИСЛОМОБОДДА КУЧЛИ ТЕРРОРЧИЛИК ХАВФИ

4 август кунни Покистон пойтахти Исломободда олий даражадаги террорчилик таҳдиди эълон қилингани ҳақида хабар тарқатди CNN агентлиги ҳукуматнинг юқори даражадаги манбалари маълумоти-га таяниб.



CNN суҳбатдошларининг гапига қараганда, махсус хизмат органлари террорчилар ҳужум уюштиришга тайёрланганлари ҳақида хабар олди. Шу боис, Исломободда армия ва полиция бўлинмалари тревое орқали оёққа турғазилди. Пойтахт устида ҳарбий вертолётлар учиб юрибди. Исломободни ўраб турвчи тоғли худудларни ҳаво-десант армияси ва денгиз пилотлари ҳарбийлари текширувдан ўтказмоқдалар. Вазириликлар, давлат муассасалари, шунингдек, Исломободдаги ҳарбий объектлар алоҳида кўриқланмоқда.

ОДАМЛАРНИ АТАЙЛАБ БОСИБ КЕТДИ

Associated Press тарқатган хабарда айтилишича, Лос-Анжелес полицияси шаҳар соҳилларида сайр қилиб юрган одамларни ўз машинасида атайлаб босиб кетган шахсни ҳисба олди.



38 ёшли Натан Кэмпбелл соҳилдаги воқеадан бир неча соат кейин уйига қайтиб келганда қўлга олинди. Суд унинг учун бир миллион доллар миқдориде гаров пули белгилади. Полицияда маълум қилишларича, юз берган воқеа оқибатида 32 ёшли италиялик аёл ҳалок бўлган. Associated Press унинг асал ойини ўтказиш учун бу ерга келганини таъкидлади.

"ФУКУСИМА-1" ЯНА "ТИЛГА КИРДИ"

Япониянинг 2011 йилда зилзила ва цунами оқибатида зарар кўрган "Фукусима-1" АЭСнинг учинчи энергоблоки устида яна буг пайдо бўлди.




Ушбу сув буги биринчи марта 18 июль кунни кузатишга эришди. 23 июлдан бошлаб эса, буг доимий тус олди. Компаниянинг таъкидлашига қараганда, "радиоактив нуруланиш да-ржада назарга тушарли ўзгаришлар йўқ".

Компания экспертлари сув бўғининг пайдо бўлиши реакторнинг таъкидлашига ҳимоя корпуси қопқоғига тушган ёмғир сувининг буғлигани билан боғлиқлигини айтишган эди. Бу ерда ҳароратнинг дам кўтарилиб, дам тушишига эса, водород

КОРЕЯ ЯРИМ ОРОЛИ – ЗИЛЗИЛАЛАР ҲУДОФИ

Корея республикаси гидрометеорология хизмати-нинг маълум қилишича, кейинги уч йил давоми-да ярим оролда зилзилалар сони 55 фюз кўпайди.



Шу йилнинг ўтган етти ойда 65 та ер силкин-иши қайд этилди. Бу 2011 йилдагидан (42 та) 54,8 фюз кўпдир. 2011 йилда Корея ярим оролида 52 марта зилзила йили эса 56 марта зилзила юз берди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, гарчи аксарият зилзилаларнинг кучи

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИЯ ЖАМФАРМАСИ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИНИНГ (ГЭЖ КГД) "БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ" ЎТКАЗИШ РЕЖАСИ. Сана: 2013 йил 20-21 август кунлари. Ўтказиш жойи: Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қори-Нивезий кўчаси, 39-уй.

«БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ – 2013» ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЭФ КГДНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА АМАЛИЙ СЕМИНАРЛАРИ ИННОВАЦИОНЛАР – МАМЛАКАТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН РАЦИОНАЛ ЕЧИМЛАР. 2013 йилнинг 20-21 август кунлари Тошкент шаҳрида «Билимлар ярмаркаси» бўлиб ўтади. Ярмарка доирасида БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури (БМТ ТД) Глобал экология фондининг Кичик грантлар дастури (ГЭФ КГД) кўмагида жорий этилаётган ва намойиш қилинаётган инновацион технологиялар бўйича туркум тренинг ва тақдимотлар ўтказилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда. Бош муҳаррир Убайдулла Абдушохидов. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).